

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.37.27.02.2020.YU.107.01-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОПИЛДИЕВ ВОҲИДЖОН РАХИМЖОНОВИЧ

**ТАШКИЛИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**ЮРИДИК ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Топилдиев Вохиджон Рахимжонович

Ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш.....3

Топилдиев Вохиджон Рахимжонович

Гражданско-правовое регулирование организационных отношений.....33

Topildiev Vokhidjon Raximjonovich

Civil legal regulation of the organizational relations 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work68

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.37.27.02.2020.YU.107.01-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОПИЛДИЕВ ВОҲИДЖОН РАХИМЖОНОВИЧ

**ТАШКИЛИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**ЮРИДИК ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Yu12 ракам билан рўйхатга олинган.


Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) «Ziyounet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.


Илмий маслаҳатчи:	Окюлов Омонбой юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Имомов Нуридло Файтуллаевич юридик фанлар доктори, профессор Камалов Ойбек Аҳмадович юридик фанлар доктори, профессор Бобокулов Сотволди Бобоназарович юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Божхона институти


Диссертация ҳимояси Судьялар олий мақтаби ҳузуридаги PhD.37/27.02.2020.Yu.107.01 ракамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «22» сентябрда соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100997, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси 6-уй. Тел.: (99855) 501-01-89); факс: (99855) 501-01-89), e-mail: tm_devon@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (15-ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-53-21.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» сентябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «14» сентябрдаги 1 ракамли реестр баённомаси).


Насриев И.И.
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор


Раҳмонкулова Н.Х.
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент


Самарходжаев Б.Б.
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ижтимоий - иқтисодий соҳада турли субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги тараққиётнинг ҳал қилувчи асосий омили ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда бундай ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми тарихан таркиб топган ва амалиётда ўзини оқламоқда. Тижорат ва нотижорат шерикликнинг компаниялар ва корпорациялар, жамоат фондлари фаолиятини ташкил этиш, бошқаришдаги турли шакллари, усуллари бунда яққол намоён бўлади. Ўз тарихий тараққиётида бозор тизимидан узилиб қолиб, маъмурий тизимни бошидан кечирган мамлакатларда тўлақонли бозор тизими ва фуқаролик жамияти сегментларини шакллантиришда ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларни мулкӣ ва шахсий муносабатлар билан уйғунлаштириш механизмларини жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда. Бу эса, Европа Иттифоқи, АҚШ, Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларида вакиллик, корпоратив муносабатлари, йиғилиш қарорларининг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига таъсирининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарблик касб этаётганлигидан далолат бермоқда.

Жаҳонда кенг қамровли хусусий муносабатларни уйғунлашиб бориш жараёнининг ҳозирги босқичида фуқаролик ҳуқуқи фанининг предмети доирасига ташкилий муносабатларни киритиш ва ушбу муносабатларни тартибга солиш методларини яратиш соҳасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро мувофиқлаштириш, ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг комплекс институти сифатида илмий баҳолаш, ташкилий корпоратив муносабатларнинг самарали ва иқтисодий нуқтаи назардан барча иштирокчилар учун фойдали тизимини яратишга оид ҳуқуқий қоидаларни тартибга солиш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар шароитида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммоларини назарий-методологик ва амалий жиҳатдан ўрганиш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамасдан ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни фуқаролик қонунчилигида аниқ белгиланмаганлиги, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида юзага келаётган низоларни ҳал қилишда тарафлар ўртасидаги муносабатлар ташкилий-ҳуқуқий муносабат эканлигига алоҳида эътибор қаратилмаганлиги оқибатида уларнинг бажарилмаслигига ёхуд бузилишига сабаб бўлмоқда, баъзи ҳолларда ташкилий-ҳуқуқий муносабатларга оид ҳуқуқий нормаларни қўллаш жараёнида айрим муаммолар вужудга келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш

концепциясида «фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қилувчи фуқаролик қонунчилигидаги ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларни бартараф этиш»¹ вазифалари белгилаб қўйилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш муайян даражада ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини фуқаролик қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиш орқали амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан ўзига хос комплекс тусга эга бўлган «ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар» нинг алоҳида ва энг йирик қисми бўлган, фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятларини, уларни ҳуқуқий тартибга солишдаги усул ва воситаларни, механизмларни ишлаб чиқиш, фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасидаги ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2014), «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият тўғрисида»ги (2001), «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги қонунлари (2001), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 5 апрелдаги 5464-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.² Дунёда ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илмий тадқиқотлар Widener University Deaver Law School, Stanford Law School, Boston College, Washington University School of Law (АҚШ), Oxford University, Cambridge University (Буюк Британия), Pantheon Sarbonne (Франция), Heidelberg University (Германия), Урал давлат юридик

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 й., 08/19/5464/2891-сон).

²Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.usnews.com/best...schools>, <https://www.law.stanford.edu>, <https://www.bc.edu>, <https://law.ucla.edu>, <https://www.nyu.edu>, <https://www.yale.edu>, <https://www.jhu.edu>, <https://www.harvard.edu>, <https://www.law.wustl.edu>, <https://www.ncl.ac.uk>, <https://www.uni-heidelberg.de>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.qmul.ac.uk>, <https://www.uni-frankfurt.de>, <https://www.uni-muenchen.de>, <http://www.pantheonsorbonne.fr>, <http://en.nagoya-u.ac.jp>, <https://www.msu.ru>, <https://mgimo.ru>, <https://msal.ru>, <https://spbu.ru>, <https://www.utoronto.ca>, <https://www.utwente.nl/en/>.

академияси, Москва давлат юридик университети, Москва давлат халқаро муносабатлар институти (Россия) да олиб борилмоқда.

Хорижий илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижаларга эришилган, жумладан: фуқаролик қонунчилигида ташкилий-ҳуқуқий муносабат тушунчаси ва унинг ўзига хос белгилари (ҳуқуқий муносабатларга ёрдамчи, хизмат тусига хослиги, бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан ажратилган ҳолда мавжуд бўлмаслиги, ташкилий-ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари номулкий тусда эканлиги) таклиф этилган (Москва давлат университети, Россия); ташкилий шартномаларни соф ташкилий шартномалар ва дастлабки шартномалар гуруҳига ажратиш, уларни таъсис шартномалари, қайта ташкил этиш тўғрисидаги шартномалар, фаолиятни тугатиш тўғрисидаги шартномалар, биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномаларга бўлиш мезонлари таклиф этилган (Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Россия); фуқаролик қонунчилигида ташкилий муносабатларни қўллашнинг ҳуқуқий муаммолари кўриб чиқилган ва уларни таснифлашнинг ҳуқуқий мезонлари (ташкилий-дастлабки, ташкилий-вакиллик, ташкилий-назорат, ташкилий-ахборот муносабатлари) таклиф этилган (Урал давлат юридик академияси, Россия); ташкилий-ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқий мақоми ва уларга нисбатан қонунчиликни қўллашнинг хусусиятлари таклиф этилган (Heidelberg University, Германия); ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни фуқаролик қонунчилигида тутган ўрнига илмий баҳо берилган ва уларни корпоратив, ташкилий-мулкчилик ва ички аъзолик муносабатларига бўлиш таклиф этилган (Washington University School of Law, АҚШ).

Бугунги кунда дунёда ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: халқаро хусусий муносабатларда ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро уйғунлаштириш; ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ташкилий шартномаларни тузиш, уларни шарҳлаш ва шартнома шартлари бузилишини бартараф этиш; ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, йирик битимлар бўйича қарор қабул қилиш, юридик шахс аъзолари, иштирокчилар ва муассислар ўртасидаги муносабатлар, муассислар, аъзолар, раис, директорлар кенгашининг юридик шахс билан боғлиқ манфаатларидан келиб чиқадиган муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи предмети таркибида муҳим ўрин эгаллайди. Гарчи ўтмишда ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар мавжудлиги тўғрисида турли хил қарашлар мавжуд бўлса-да, улар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Ўзбекистонда фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар учун

аҳамиятли бўлган масалалар бўйича кўплаб ҳуқуқшунос олимлар у ёки бу даражада тадқиқот олиб боришган. Улар жумласига Ҳ.Р.Раҳмонқулов,³ И.Б.Зокиров,⁴ О.Оқюлов,⁵ Р.Ж.Рўзиев,⁶ С.Гулямов,⁷ Ш.Н.Рўзиназаров,⁸ А.Х.Шукруллаев,⁹ Ж.И.Юлдашев,¹⁰ Ш.Т.Нуриддинова¹¹ ва бошқа олимларни киритиш мумкин.

Ҳамдўстлик давлатларида, айниқса, Россия Федерациясида фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмун ва моҳияти атрофида илмий тадқиқ этилганлигини эътироф этиш мумкин. Хусусан, цивилист олимлардан М.М.Агарков,¹² С.Н.Братусь,¹³ С.С.Алексеев,¹⁴ О.А.Красавчиков,¹⁵ Н.Д.Егоров,¹⁶ О.С.Иоффе,¹⁷ Б.Н.Мезрин,¹⁸ В.Ф.Яковлев,¹⁹ Е.А.Суханов,²⁰ Т.Н.Люхан,²¹ Л.Я.Данилова,²² А.М.Мартемьянов,²³ К.А.Кирсанов,²⁴ А.В.Андрющенко²⁵ ва бошқа олимлар фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий табиатига бағишланган бир қатор тадқиқотлар

³ Раҳмонқулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. - Тошкент, ТДЮИ, 2003. - Б. 25.

⁴ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. - Тошкент, ТДЮИ, 2009. - Б. 456.

⁵ Оқюлов О.О. Современные концепции о предмете гражданского права и проблемы либерализации системы права. Материалы международного симпозиума традиционное право Узбекистана и Японии проблемы совершенствования законодательства. - Тошкент, 2002. - С. 48.

⁶ Рўзиев Р.Ж. Фуқаролик ҳуқуқи. Фалсафа ва ҳуқуқ институти. - Тошкент, 2005. - Б. 34.

⁷ Раҳмонқулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. - Тошкент, ТДЮИ, 2007. - Б.16.

⁸ Рўзиназаров Ш.Н. Бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми. - Тошкент, Адолат, 1997. - Б.126.;

⁹ Шукруллаев А.Х. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши. Юрид. фан. номз.... Дисс. - Тошкент, 2001. - Б.154.

¹⁰ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари-фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. - Тошкент, ТДЮИ, 2004. - Б.84.

¹¹ Нуриддинова Ш.Т. Юридик шахсларнинг бекор бўлиш усуллари ва уларни қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. номз. дисс... автореф. - Тошкент, 2008. - Б.9.

¹² Агарков М.М. Предмет и система советского гражданского права // Советское государство и право. 1940. № 8-9. -С. 54.

¹³ Братусь С.Н. Предмет и система советского гражданского право. - Москва, 1963. - С. 42-47.

¹⁴ Алексеев С.С. Предмет советского социалистического гражданского право. - Свердловск, 1959. - С. 72.

¹⁵ Красавчиков О.А. Гражданские организационно-правовые отношения. Сов. гос право.1966. №-10.- С. 55-56.

¹⁶ Егоров Н.Д. Гражданско-правовое регулирование общественных отношений: единство и дифференциация. -Ленинград, 1988. -С. 11-12.

¹⁷ Иоффе О.С. Развитие цивилистической мысли в СССР. - Ленинград, 1975. - С. 95-96.

¹⁸ Мезрин Б.Н. Моделирование гражданско-правовых неимущественных обязательств // Онтология уральской цивилистики. 1925-1989: Сб. статей. - Москва, Статут, 2001. - С. 201.

¹⁹ Яковлев В.Ф. Структура гражданских правоотношений // Онтология уральской цивилистики. 1925-1989: Сб. статей. - Москва, Статут, 2001. -С. 385.

²⁰ Суханов Е. А. Гражданское право. - Москва, БЕК, 2000. - Том 1. - С. 103.

²¹ Люхан Т.Н. К вопросу об определении правового статуса организационных отношений в гражданском праве стран общей системы право: На примере США. Сибирский Юридический Вестник. № 2., 2001.

²² Данилова Л.Я. Место организационных отношений в предмете гражданского право // Частноправовые проблемы взаимодействия материального и процессуального права. Материалы международной научно-практической конференции. - Ульяновск, 2006. - С. 71-75.

²³ Мартемьянова А.М. Об организационных отношениях в предмете гражданского право/Частноправовые проблемы взаимодействия материального и процессуального права. Материалы международной научно-практической конференции. - Ульяновск, 2006. - С. 63-67.

²⁴ Кирсанов К.А. Гражданско-правовое регулирование организационных отношений. Автореф. дисс... к.ю.н. - Екатеринбург, 2008. - С. 24.

²⁵ Андрющенко А.В. Место организационных отношений в предмете гражданского - правового регулирования. Вестник Томского государственного университета. - Томск, Право. 2014 №2 (12) с. 111-115.

олиб борганлигини кўриш мумкин.

Хорижий мамлакатларда корпоратив ҳуқуқ соҳасининг йирик намояндалари J.H.Choper, R.Ch.Clark, J.C.Coffee, A.F.Conard, M.P.Dooley, R.J.Gilson, R.W.Hamilton ва бошқа олимларнинг асарларида ҳам ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг айрим жиҳатлари ёритиб берилган. Бирок, ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишдаги муаммолар умумлаштирилган илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ БФ-1-012 «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчасини илмий тадқиқ қилиш ва фуқаролик ҳуқуқи предметида туганган ўрнини аниқлаш;

фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятини илмий-назарий таҳлил қилиш ва бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан фарқли жиҳатларини очиб бериш;

фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларга оид фуқаролик қонун ҳужжатлари ва уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида такомиллашувини таҳлил қилиш;

ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишдаги миллий ва хорижий амалиётни қиёсий таҳлил қилиш;

юримдик шахсларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш жараёнларида вужудга келадиган фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни илмий таҳлил қилиш;

фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг шартномавий ҳуқуқий шакллари ва уларнинг юримдик табиатини ўрганиш асосида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишга доир фуқаролик ҳуқуқий нормалар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни

фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш, уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантиқий таҳлил, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати) устав фондидаги улушга эга бўлишга ҳақли эмаслиги, мазкур тақим кучга киргунига қадар ўзининг асосий жамияти (ширкати) устав фондидаги улушни олган шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати) иштирокчилари ёки акциядорлари умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмаслиги зарурати асосланган;

акциядорлик жамияти бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмаслиги асослаб берилган;

мулкдорнинг ўзига тегишли бўлган моддий маданий мерос объектини сақлаш бўйича вазифаларини аниқлаш, мазкур вазифаларга риоя этилмаганида унга нисбатан қўлланиладиган таъсир чораларини белгилаш, шунингдек, мазкур объектларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда суд қарори билан мулкдордан олиб қўйиш асослари, мазкур вазиятда даъво қўзғатиш қонидаси асослантилган;

акциядорлик жамиятини тугатиш рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра ушбу жамият молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги оқибатида ҳаракатсиз режимга ўтказилганидан кейин 3 йил мобайнида унинг фаолияти тикланмаганида амалга оширилиши, бунда тугатувчи тайинланмаслиги асослаб берилган;

акциядорлик жамиятининг тугатилиши ҳақида тугатувчи оммавий ахборот воситаларида эълон бериши, жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги эълон рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши асослантилган;

фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида корпоратив-ҳуқуқий муносабатлар учун хос бўлган ва барча корпорациялар амал қилиши лозим бўлган умумий қоидаларни қабул қилиш, корпорация кўринишидаги турли юридик шахсларга оид асосий қоидаларни фуқаролик кодексида ифодалаш, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқи фанининг предметиға киритиш зарурияти асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга оид цивилистик назарияларнинг ахамияти илмий таҳлил этилган ва уларнинг устиворлиги асосланган;

фуқаролик ҳуқуқида ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлиги таҳлил этилган ва фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабат тушунчасига

илмий доктринал таъриф берилган;

фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни таснифлашда қўлланиладиган мезонларни туркумлаш, уларни тизимлаштириш ва ҳуқуқий тартибга солишдаги муҳим аҳамияти илмий таҳлил этилган ва фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни таснифлаш мезонлари бўйича хулосалар шакллантирилган;

юримдик шахсларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш жараёнида вужудга келадиган, фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича таклифлар тайёрланган;

фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва фуқаролик қонунчилигига корпоратив шартнома тушунчасини киритиш бўйича таклифлар тайёрланган;

фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий шартномалар тизими, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг шартномавий ҳуқуқий шакллари ва уларнинг юримдик табиати бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотлар расмий манбалардан олингани, хорижий тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан илмий фаолиятда, ҳуқуқ ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, қонунларга шарҳлар тайёрлашда, шунингдек юриспруденция йўналишидаги таълим жараёнида ҳамда корпорациялардаги корпоратив муносабатларнинг илмий-назарий таҳлили асосида олинган натижалар ушбу йўналишдаги методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда юримдик олий таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати) устав фондидаги улушга эга бўлишга ҳақли эмаслиги, мазкур тақиқ кучга киргунига қадар ўзининг асосий жамияти (ширкати) устав фондидаги

улушни олган шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати) иштирокчилари ёки акциядорлари умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмаслиги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 06/1-05/3083вх-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф шўъба хўжалик жамияти ва асосий жамият ўртасидаги улушга ҳамда асосий жамият иштирокчилари ва акциядорларининг умумий йиғилишида шўъба хўжалик жамиятининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаслигини аниқлашга хизмат қилган;

акциядорлик жамияти бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмаслиги оид таклифлар «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 06/1-05/3083вх-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф акциядорлик жамияти кузатув кенгашига сайланиш тартиби ва бунда номзодларни аниқлашга оид ташкилий муносабатларни ҳуқуқий асосларини ўрнатишга хизмат қилган;

мулкдорнинг ўзига тегишли бўлган моддий маданий мерос объектини сақлаш бўйича вазифаларини аниқлаш, мазкур вазифаларга риоя этилмаганида унга нисбатан қўлланиладиган таъсир чораларини белгилаш, шунингдек, мазкур объектларни мулкдордан олиб қўйиш асослари, шартлари ва тартиби, мазкур вазиятда даъво қўзғатиш қоидаси тўғрисидаги таклифлари «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-476-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 06/1-05/3083вх-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф моддий маданий меросни асраш, унинг ҳуқуқий режимини сақлаш ва муҳофаза қилишга оид ташкилий-ҳуқуқий механизмларни аниқлаштиришга имкон берган;

акциядорлик жамиятини тугатиш рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра ушбу жамият молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги оқибатида ҳаракатсиз режимга ўтказилганидан кейин 3 йил мобайнида унинг фаолияти тикланмаганида амалга оширилиши, бунда тугатувчи тайинланмаслигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг

2019 йил 11 декабрдаги «Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-592-сон қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 17 октябрдаги 104-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф акциядорлик жамиятини тугатиш тартибини аниқлаштириш ва унинг муддатларини қатъий белгилаш орқали тугатишга оид ташкилий муносабатларни барқарор ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилган;

тугатувчи акциядорлик жамиятнинг тугатилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериши, жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги эълон рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 декабрдаги «Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-592-сон қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 17 октябрдаги 104-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф тугатиш жараёнида кредиторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашнинг муҳим механизмларини жорий этишга имкон яратган;

фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида корпоратив-ҳуқуқий муносабатлар учун хос бўлган ва барча корпорациялар амал қилиши лозим бўлган умумий қоидаларни қабул қилиш, корпорация кўринишидаги турли юридик шахсларга оид асосий қоидаларни фуқаролик кодексида ифодалаш ва ташкилий - ҳуқуқий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқи фанининг предметига киритиш зарурияти тўғрисидаги таклифи “Юриспруденция” таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “Фуқаролик ҳуқуқи” дарслиги (I-боб 4-§.Ташкилий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг предмети сифатида, 5-§.Корпоратив муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг предмети сифатида) да ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 13 мартдаги 82-сон буйруғи, 82018-сонли Гувоҳнома, 2019 йил 6 февралдаги 89-03-571-сонли Маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши фуқаролик ҳуқуқи назариясини илмий - назарий жиҳатдан бойитишга ҳамда “Юриспруденция” мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар, магистрлар, илмий тадқиқотчилар, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқини қўлловчи амалиёт ходимларининг ташкилий-ҳуқуқий муносабатларга оид билим ва кўникмаларини ривожланишига ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 16 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий илмий натижалари диссертант эълон қилган 2 та монография, 13 та илмий журналларда, 4 таси илмий тўпламлар ва конференция материалларида чоп этилган илмий мақолаларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 294 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуи бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга оид цивилистик назариялар тавсифи**» деб номланиб, унда фуқаролик ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, аҳамияти ва белгилари, фуқаролик ҳуқуқи предмети таркибида ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг тутган ўрни ва тамойилларига оид масалалар таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг «**Фуқаролик ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, аҳамияти ва белгилари**» деб номланган биринчи параграфда муаллиф томонидан адабиётларни таҳлил қилиш асосида ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг моҳияти очиқ берилган.

Диссертантнинг фикрича, анъанавий цивилистика ва фуқаролик ҳуқуқининг асосий манбаси ҳисобланган амалдаги ФКда мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатлар билан бирга узок муддатдан буён ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш предмети сифатида эътироф этиб келинаётганлиги бозор муносабатларига ўтилиши билан янги маъно ва мазмун касб этганлиги, ташкилий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий муносабат сифатида эътироф этиш асосини янада кучайтирган.

Диссертант ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчасига адабиётларда билдирилган (М.М.Агарков, С.Н.Братусь, С.С.Алексеев, О.А.Красавчиков, К.А.Кирсанов, А.В.Андрющенко) ва бошқа олимларнинг фикрларини ўрганади ва ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар нисбатан мустақил ҳисобланишини таъкидлаган ҳолда ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг предмети таркибидан жой олиши лозим деган фикрга

келади. Ушбу таҳлилларнинг натижаси сифатида диссертацияда фуқаролик ҳуқуқининг предмети таркибига, ташкилий мулкӣ муносабатлар, ташкилий номулкӣ муносабатлар ва ташкилий корпоратив муносабатлар киради деган ҳулосага келинган ҳамда фуқаролик ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларнинг муаллифлик таърифи таклиф этилган.

Ушбу бобнинг «**Фуқаролик ҳуқуқи предмети таркибида ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларнинг тутган ўрни ва тамойилларига оид масалалар**» деб номланган иккинчи параграфида муаллиф томонидан фуқаролик ҳуқуқи предмети таркибида ташкилий муносабатлар алоҳида ўрин тутиши ва ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатлар бир вақтнинг ўзида мулкӣ тусга ва шахсий тусга эга ҳисобланиши таҳлил этилади. Ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларнинг ўзига хос жиҳати сифатида бу муносабатларнинг кенг қамровлиги, ранг-баранглиги ва мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ муносабатлар каби муайян бир умумийликка буйсундирилмаганлиги борасидаги фикрлар ўрганилади, ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатлар шартномалар тузишдан олдинги босқичда, юридик шахсларни ташкил қилиш, фаолиятини юритиш, қайта ташкил этиш, тугатиш, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва шу каби кўплаб бошқа соҳаларда қўлланилиши кўрсатиб берилди. Аммо бу муносабатлар учун хос бўлган умумий мезонлар ҳали тўлиқ шакллантирилмаганлиги борасидаги (В.П.Мозолин, М.И.Кулагин Т.И.Илларинова, Б.Н.Мезрин, В.Ф.Яковлев, И.Б.Новицкий, Л.А.Луңц, И.Б.Зокиров) ва бошқа олимлар томонидан билдирилган фикрлар ўрганилади. Ушбу таҳлилларнинг натижаси сифатида диссертацияда мазкур муносабатлар учун хос бўлган умумий мезонлар таклиф қилинади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларнинг таснифи**» деб номланиб, унда фуқаролик ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларни таснифлаш мезонлари, фуқаролик ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатлар тизимида корпоратив-ҳуқуқӣ муносабатлар тушунчаси хорижий ва миллий ҳуқуқӣ тизимдаги қиёсий талқини таҳлил этилади.

Ушбу бобнинг «**Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларни таснифлаш мезонлари**» деб номланган биринчи параграфида муаллиф томонидан ФКда ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатлар фуқаролик қонун ҳужжатлари томонидан тартибга солиниши белгиланмаса-да, фуқаролик ҳуқуқӣ тартибга солишда асосий ўринни диспозитив нормалар ташкил этишини ҳисобга олиб, фуқаролик ҳуқуқи томонидан ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатлар ҳам тартибга солиниши қайд этилади.

Диссертант ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларни туркумлашга нисбатан ҳуқуқшунос олимлар (О.А.Красавчиков, Т.И.Илларионова, К.А.Кирсанов, Т.В.Кашанина) томонидан таклиф этилган мезонлар ва таснифлашга ўз муносабатини билдиради.

Ушбу таҳлилларнинг натижасига асосан, фуқаролик ташкилий муносабатларни таснифлашнинг ҳуқуқӣ мезони сифатида ушбу

муносабатларнинг тайинланиш мақсадини белгилаш мақсадга мувофиқдир деган фикрлар илгари сурилади ва бунда ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий алоқаларни вужудга келтирувчи ва муайян фаолиятни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлувчи муносабатларга (дастлабки), юридик шахслар фаолиятини амалга ошириш муносабатлари (корпоратив)га, мол-мулкни бошқариш билан боғлиқ муносабатлар (фуқаролик ҳуқуқий фаолиятни бошқарув, лекин вакиллик эмас) га бўлиш мумкин деган хулосага келинади.

Ушбу бобнинг **«Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида корпоратив-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси хорижий ва миллий ҳуқуқий тизимдаги қиёсий талқини»** деб номланган иккинчи параграфида, диссертант томонидан (Д.Речман, М.Мескон, К.Боуви, Д.Тилл, Б.Ельяшевич, П.А.Писемский, К.П.Победоносцев, И.Т.Тарасов, Г.Ф.Шершеневич, В.Ю.Вольф, М.Н.Израэлит, П.А.Руднев, Е.Н.Гендзехадзе, Ш.Д.Чиквашвили, П.В.Степанов, А.А.Куценко, Е.А.Мальгинов, Х.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, С.С.Гулямов) ва бошқа олимларнинг корпоратив муносабатлар тўғрисидаги фикрлари ўрганилади ҳамда корпоратив-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси хорижий ва миллий ҳуқуқий тизимда қиёсий таҳлил этилади. Ушбу таҳлилларнинг натижаси сифатида диссертацияда корпоратив муносабатлар мулкӣ алоҳида, юридик тенг бўлган мустақил субъектлар ўртасида вужудга келиб, фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинади деган хулосага келинади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда юридик шахслар иштироки, қайта ташкил этиш, тугатишнинг тартиби, асоси ва оқибатлари»** деб номланиб, юридик шахсларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишда қўлланиладиган ташкилий-ҳуқуқий усуллар, юридик шахсларни бўлиш ва ажратиб чиқаришни ташкилий-ҳуқуқий воситалари, юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиришнинг оқибатлари, юридик шахсларни тугатишнинг ташкилий тартибини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш масалалари таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг **«Юридик шахсларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишда қўлланиладиган ташкилий-ҳуқуқий усуллар»** деб номланган биринчи параграфида, юридик шахсларнинг ташкил топиши янги ҳуқуқ субъектини вужудга келтириб, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларда янги субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг пайдо бўлиши билан бирга, иқтисодий ривожланишга ўзига хос ҳисса қўшиши, юридик шахсларнинг тугатилиши ҳуқуқ субъектининг барҳам топиши, мавжуд ҳуқуқий алоқалар, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг кейинги тақдирини белгилаш ва кредиторларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш эвазига иқтисодий муносабатлардаги субъект фаолиятини яқунлашга олиб келиши ўрганилади.

Диссертант юридик шахсларни қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этишнинг фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабат эканлигини таҳлил қилиб, бу масаладаги ҳуқуқшунос олимлар (Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров,

С.С.Гулямов, Ш.Т.Нуриддинова)нинг фикрларини ўрганиб, қўшиб юбориш шаклида юридик шахс қайта ташкил этиш жараёнининг бошланиши, уни амалга оширилиши ва тугалланиши фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни ифодаланиши билан характерланишини таъкидлайди. Қўшиб юбориш тўғрисидаги шартнома ташкилий-ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириш ва қўшиб юбориш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш воситаси ҳисобланади.

Диссертантнинг фикрича, қўшиб юбориш ҳақидаги шартнома аралаш тусга эга ва ҳуқуқий муносабатнинг ўзига хос шаклини ифода этади. Шу сабабли ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган мазкур шартномага нисбатан ФКнинг 354-моддаси 4-қисми қоидалари қўлланилади.

Ушбу таҳлилларга асосланган ҳолда, юридик шахсларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш жараёнлари билан боғлиқ ташкилий муносабатларни, айниқса, қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқи субъектчилигини белгилашни аниқлаш ва бу ҳолатларнинг ҳуқуқий механизми ва самарадорлигини ошириш мақсадида қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришларни киритиш, қўшиб юбориш ва қўшиб олишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини янада аниқлаштиришга олиб келади деган хулосага келинади.

Ушбу бобнинг «**Юридик шахсларни бўлиш ва ажратиб чиқаришни ташкилий-ҳуқуқий воситалари**» деб номланган иккинчи параграфида юридик шахсларни қайта ташкил этишдаги фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида юридик шахсларни «бўлиш» ва «ажратиб чиқариш» усулида қайта ташкил этиш усуллари алоҳида ўрин тутиши таҳлил этилади.

Юридик шахсларни бўлишда битта юридик шахснинг таркибидан икки ёки ундан ортиқ юридик шахс ажралиб чиқади ва шу сабабли биринчи юридик шахс ўз фаолиятини якунлайди. Шу сабабли бўлишни соф маънодаги юридик шахсларнинг бекор бўлиш усули сифатида кўриш мумкин. Бўлишда ҳал этилиши лозим бўлган асосий ташкилий-ҳуқуқий масала вужудга келаётган янги субъектларнинг ҳуқуқий ворислиги даражаси ва миқдори ҳисобланади. Айнан шу сабабли бўлишда топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси асосий аҳамият касб этади. Агар юридик шахсларни қайта ташкил этиш усуллариининг кўпчилигида топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси у қадар муҳим ўрин тутмаса, бўлишда айнан шу ҳолатга алоҳида эътибор қаратилади.

Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси юридик шахсни бўлиш ёки бошқа усулда қайта ташкил этишда тузиладиган энг асосий ҳужжатлар бўлиб, улар орқали амалга ошириладиган ташкилий-ҳуқуқий муносабатдаги муҳим жиҳатлар, бўлинаётган юридик шахсга тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ворисларга қандай миқдорларда тегишли бўлиши аниқланади ва тегишли улушни топширилганлигини расмийлаштириш воситаси сифатида бу ҳужжатлар аҳамиятли ҳисобланади.

Диссертантнинг фикрича, юридик шахсларни мажбурий тарзда бўлиш

орқали қайта ташкил этиш монополияга қарши ҳолат ҳисобланса-да, буни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида белгилаш тўғри бўлмайди. Шунингдек, тадқиқот ишида юридик шахсларни қайта ташкил этишдаги ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий конструкциялар таҳлил этилади.

Диссертацияда, ажратиб чиқариш шаклида юридик шахсларни қайта ташкил этишдаги ўзига хос бўлган фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабат бўлиб, бекор бўлиш фактининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади деган фикрга келинади. Агар юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг бошқа шаклларида бир ёки бир неча юридик шахснинг ҳуқуқ субъекти сифатида бекор бўлиши содир этилса, ажратиб чиқаришда бу ҳолат кузатилмайди.

Ушбу бобнинг **«Юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиришнинг оқибатлари»** деб номланган учинчи параграфидан юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиришга нисбатан ҳуқуқшунос олимлар (В.А.Белов, Ж.И.Юлдашев) нинг фикрлари таҳлил қилиниб, юридик шахс фаолиятида мулк шаклининг ўзгариши, яъни оммавий мулкдан хусусий мулкка айланиши бу юридик шахсларни ўзгартириш, яъни қайта тузиш ҳисобланмайди деган хулосага келинади. Яъни корхона, ташкилот ва муассасанинг ҳуқуқ субъекти сифатида эмас, объекти сифатидаги мақомининг ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Бунда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектга нисбатан эмас объектга нисбатан қаратилади.

Диссертант давлат тасарруфидан чиқариш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш ўртасидаги нисбатни таҳлил қилиб, уларнинг ҳар бири бир-биридан фарқ қилувчи алоҳида, мустақил конструкция эканлигини қайд этади. Шу билан бирга давлат тасарруфидан чиқариш ҳам фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабат сифатида аҳамиятли эканлигидан келиб чиқиб, ушбу конструкцияга нисбатан ўз фикрларини билдиради. Мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб, янги таҳрирда ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши таклиф этилаётган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш» тўғрисидаги Қонуннинг лойиҳасига давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ аниқ механизм белгилаш, ушбу жараёнларни чуқур ва ҳар томонлама ҳуқуқий тартибга солувчи нормаларни киритиш, давлат тасарруфидан чиқаришда давлат корхоналарининг мулк объекти сифатидаги мақомини аниқ мустаҳкамлайдиган қоидаларни ўрнатиш, давлат тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ жараёнларнинг бузилишига нисбатан қатъий юридик жавобгарлик чораларини белгилаш зарур, деган хулосага келинади.

Ушбу бобнинг **«Юридик шахсларни тугатишнинг ташкилий тартибини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш масалалари»** деб номланган тўртинчи параграфидан юридик шахсларнинг фаолиятини тугатиш жараёнини амалга ошириш учун ушбу жараёнга ҳозирлик кўриш, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тайёргарлик кўриш, бундай ташкилий ишларни бажармасдан, ҳал этмасдан туриб, кейинги жараёнга киришиш мумкин эмаслиги таҳлил этилади. Диссертацияда тугатиш жараёнининг аввалида

тугатиш комиссияси (тугатувчи), юридик шахснинг барча кредиторларини аниқлаш ишларини олиб бориши, кредиторларнинг мавжуд талабларини аниқлаши, уларни қондириши бунинг учун юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки ваколатли орган бу ҳақда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга дарҳол ёзма хабар бериши лозимлиги ўрганилади.

Диссертантнинг фикрича, ҳозирги кунда юридик шахсларни тугатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир тизимга солинмаган ва уларни амалиётга тадбиқ этишнинг изчил механизми ишлаб чиқилмаган. Бу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш учун диссертацияда Ўзбекистон Республикасининг «Юридик шахсларни тугатиш тартиби тўғрисида»ги махсус қонун қабул қилиниши ёки «Тадбиркорлик кодекси» ишлаб чиқилиши ва уларда юридик шахсларни тугатиш таомиллари аниқ белгилаб қўйилиши лозим деган фикрга келинади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Айрим турдаги фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг шартномавий ҳуқуқий шакллари ва уларнинг юридик табиати»** деб номланиб, таъсис шартномасида ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг динамикаси, оддий ширкат шартномасида ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни, дастлабки шартномаларда ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг табиати, мажбурий тартибда тузиладиган шартномаларда ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари, ташишни ташкил этиш шартномасида ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар самарадорлигини ошириш масалалари таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг **«Таъсис шартномасида ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг динамикаси»** деб номланган биринчи параграфида диссертант ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида таъсис шартномаларининг тутган ўрни ва аҳамияти, таъсис шартномасининг шакли масаласида амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларни таҳлил этади ва ҳуқуқшунос олим (Н.С.Суворов) фикрига қўшилган ҳолда таъсис шартномасининг корпоратив ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш функцияси ушбу муносабатлар рўй берадиган ҳуқуқий алоқаларда ўзининг яққол ифодасини топади деган фикрни илгари сурган. Шунингдек, диссертацияда акциядорлик жамиятларининг таъсис шартномалари, тўлиқ ширкат ва коммандит ширкатларнинг таъсис шартномалари, масъулияти чекланган жамиятлар ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ҳамда қўшма корхоналарнинг таъсис шартномалари таҳлил этилади.

Ушбу таҳлилларнинг натижаси сифатида диссертацияда таъсис шартномасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Ушбу бобнинг **«Оддий ширкат шартномасида ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни»** деб номланган иккинчи параграфида, оддий ширкат шартномасини фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабат сифатида эътироф этишда унинг қуйидаги жиҳатларидан келиб чиқиш лозим:

1. Оддий ширкат шартномаси бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан фарқли равишда мулкий тусга эга бўлмайди.

2. Мазкур шартнома тарафларининг ҳаракатларида юридик шахс ходимларининг ҳаракатларидаги каби битта умумий мақсад ва манфаат ётади.

3. Шартнома тарафларининг ҳаракатлари, улардан ҳар бири амалга оширадиган ишлар ўзаро келишувга асосан тақсимлаб олинадики, бу ҳолат айнан ушбу муносабатдаги ташкилий масала ва унинг ечими талаб этилишини англатади.

Диссертантнинг фикрича, мазкур шартноманинг амалиётда қўлланилиш ҳолатига келадиган бўлсак, бугунги кунда тадбиркорлик амалиётида бу шартноманинг имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмоқда деб бўлмайди. Зеро, мол-мулклар, молиявий маблағлар, меҳнат кучи ва тадбиркорлик фаолиятининг бирлаштирилиши бозор қонуниятларидан келиб чиқадиган бўлсак, яқка шахснинг мол-мулки ва фаолиятига қараганда самаралироқ бўлади. Айниқса, бу ҳолат савдо фаолиятини юритишда, хориждан савдо молларини импорт қилишда фойдали бўлади. Шу сабабли ҳуқуқни қўллаш амалиётида оддий ширкат шартномаси қоидаларини тўғри қўллашни тушунтириш ва шу орқали тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лозим.

Ушбу бобнинг «**Дастлабки шартномаларда ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг табиати**» деб номланган учинчи параграфиди, диссертант дастлабки шартнома ва унинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этади. Унинг, фикрича, дастлабки шартнома асосан ҳуқуқни вужудга келтирувчи шартнома ҳисобланади ва бу юридик конструкцияни икки жиҳат: атамашунослик ва мақсадли-йўналтирилганлик жиҳатидан талқин этиш лозим.

Биринчидан, дастлабки шартномадан вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг ташкилий жиҳати дастлабки шартнома номининг ўзидан англашилади. Дастлабки атамаси нимадандир олдинги, ниманинг бошланғич асоси эканлигини билдиради. Ушбу умумқабул қилинган аҳамиятидан келиб чиқиб, дастлабки шартнома вақт жиҳатидан бошқа мулкӣ шартномадан олдин вужудга келади деб хулоса чиқариш мумкин.

Иккинчидан, дастлабки шартномадан вужудга келувчи ҳуқуқий муносабатнинг ташкилий туси унинг вазифаси ва мақсадидан келиб чиқади, яъни унинг мақсади келажакда муайян шартномани тузишга қаратилади.

Диссертацияда ҳуқуқшунос олимлар (Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.В.Елисеев, М.В.Кротов)нинг дастлабки шартномаларга оид фикрлари ўрганилиб, дастлабки шартнома тарафларнинг муайян шартномавий муносабатга киришиш истаги бор, лекин шартнома тузишга тайёр бўлмаган, бироқ келажакда шундай шартнома тузишдан манфаатдор бўлган шароитдан келиб чиқади, шу муносабат билан дастлабки шартномани «вазият тақозосининг натижаси» ва «контрагентни йўқотмаслик» ҳамда муайян товар (иш, хизмат) ни «қўлдан чиқармаслик» чораси сифатида баҳолаш мумкинлиги қайд этилади.

Ушбу бобнинг «**Мажбурий тартибда тузиладиган шартномаларда**

ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари» деб номланган тўртинчи параграфиди диссертант шартнома тузиш эркинлигидан истисно сифатида белгиланадиган мажбурий шартнома тузишга оид ҳуқуқшунослар (А.Н.Танага, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, Р.Книппер, Н.Д.Егоров) фикрларини таҳлил қилиб, ҳақиқатдан ҳам шартномалар тузиш эркинлигидан истисно сифатида белгиланган мажбурий тартибда шартнома тузишнинг киритилиши тарафлардан бирига нисбатан ёки иккаласига нисбатан ҳам шартнома тузиш мажбуриятини белгилайди, шартнома тузиш тартибининг мажбурийлиги эса фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради ва бу муносабатларни вужудга келиши, уларнинг мазмуни ва амалга ошириш шартлари ФКда ўз ифодасини топганлигини таъкидлаб ўтади.

Мажбурий тартибда шартнома тузишдаги ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар, шартнома лойиҳасини юбориш, уни қабул қилиб ва жавоб бериш, шартнома лойиҳасида кўзда тутилган шартларни ўзгартириш тартиби ёки шартнома тузишдан бош тортиш билан боғлиқ ташкилий жараёнлар ФКнинг 377-моддасида ўз ифодасини топган.

Диссертантнинг фикрича, мажбурий тартибда шартнома тузиш ташкилий-ҳуқуқий муносабат бўлиб, мулкӣ тусга эга бўлмайди ва бу муносабатларнинг мақсади келажакда мулкӣ тусдаги шартномавий алоқаларни юзага келтириш ва шартномани расмийлаштириш ҳисобланади. Мажбурий тартибда шартнома тузишда эса, шартнома тарафлари одатда олдиндан белгиланади ва шу асосда улардан бири айрим вазиятларда эса иккаласи ҳам шартнома тузишга мажбур бўлади. Шу сабабли улар келгусидаги ҳуқуқий алоқалар, ўз зиммаларига олаётган мажбуриятлари ва ҳуқуқлари тўғрисида келишиш бўйича ташкилий масалаларни ҳал қилиб олишлари лозим. Бунда ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади ва тарафлар ўртасида мулкӣ муомала эмас, шартноманинг мазмунини келишиб олиш ва расмийлаштириш бўйича алоқалар келишиб олинади.

Ушбу бобнинг «**Ташишни ташкил этиш шартномасида ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар самарадорлигини ошириш масалалари**» деб номланган бешинчи параграфиди, фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ташиш фаолиятида ҳам ўз ўрнига эга бўлиши, бунда юк ташувчилар ва жўнатувчилар юкларни белгиланган манзилга етказиш, юкни ортиш ва тушириш, юкни қабул қилиб олувчиларига топшириш билан боғлиқ ташкилий ишларни бажаришда ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадида ўзаро келишиб, ушбу муносабатларни шартномавий тартибга солишлари мумкин бўлади деган фикрга келинади.

Фуқаролик ҳуқуқи фанида ташишни ташкил этиш шартномаси мажбурият ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтиради, чунки айнан шу шартнома юк жўнатувчининг юкни ташиш учун топшириш, ташувчининг транспорт воситасини тақдим этиш мажбуриятини вужудга келтириши ҳақидаги ҳуқуқшунос олимлар (И.В.Елисеев, М.В.Кротов, Д.А.Медведев,

В.Т.Смирнов)нинг фикрлар таҳлил этилади.

Ушбу таҳлилларга асосланган ҳолда ташишни ташкил этиш шартномалари асосида мажбурият ҳуқуқий муносабатлари эмас, балки фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади деган хулосага келинади.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланиб, бозор муносабатларини эркинлаштириш жараёнида фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг тутган ўрни, фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича фуқаролик қонунларини ривожлантириш истиқболлари масалалари илмий назарий ва амалий жихатдан ўрганилган.

Ушбу бобнинг «**Бозор муносабатларини эркинлаштириш жараёнида фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг тутган ўрни**» деб номланган биринчи параграфида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф–5464-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида, корпоратив муносабатларни фуқаролик кодексининг тартибга солиш предмети доирасига киритиш, жумладан, оммавий акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ўзига хосликларини белгилаш, корпоратив ҳужжат кучига эга ва учинчи шахслар учун мажбурий бўлган «корпоратив шартнома»ни жорий қилиш, тенг акциялар пакети эгалари жамият фаолиятини издан чиқарганида корпоратив танглик вазиятидан чиқиб кетиш механизмларини белгилаш лозимлиги тўғрисидаги масалалар ўрганилади. Диссертант томонидан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига **58¹-модда** сифатида «корпоратив шартнома», шунингдек, бугунги кунда АҚШ ҳуқуқи амалиётида кенг қўлланилаётган «қайтариб берилмайдиган ишончнома» тўғрисидаги нормаларни киритиш зарурлиги асослаб берилади.

Тадбиркорлик соҳасидаги фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ўзининг кенг қўламлилиги, мураккаб таркиблилиги ва бир вақтнинг ўзида бир неча ҳуқуқ соҳалари нормалари томонидан тартибга солиниши билан ажралиб туради. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, улар фаолиятини юритишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, тадбиркорлик фаолияти субъектларини рўйхатдан ўтказиш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва рўйхатдан ўтказувчи органлар ўртасидаги муносабатлар кўпроқ оммавий-ҳуқуқий тартибга амал қилади. Бироқ, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишда талаб этиладиган ҳужжатларни тузиш ва тўплаш (масалан, таъсисчиларнинг тадбиркорлик фаолияти субъектини ташкил этиш ҳақидаги шартномаси, умумий йиғилиш қарори, таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш қарори ва шу кабилар) билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий тусга эгадир.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий базада ўзига хос мураккаб ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимини ўз ичига оладиган юридик шахслар ва яқка тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид нормалар турли қонун

ҳужжатларида ифодаланган бўлиб улар бир тизимга солинмаганлиги билан характерланади. Бунда юридик шахслар ва якка тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ташкилий жараёнларни аниқ ҳуқуқий механизмлари шаклланмаганлиги, бозор иқтисодиётини либераллаштириш жараёнида тадбиркорлар ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларда турли тушунмовчиликларни вужудга келтиради. Ушбу таҳлиллар асосида диссертацияда қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни тўлдириш, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Юридик шахсларни ва якка тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги махсус қонуни қабул қилиниши лозим деган фикрга келинади.

Ушбу бобнинг «**Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича фуқаролик қонунларини ривожлантириш истиқболлари**» деб номланган иккинчи параграфида юридик шахслар фаолияти доираси ва соҳаларининг кенгайиб бориши уларнинг фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчиликнинг ривожланиши натижасида корпоратив муносабатлар кенг ривожланиб бораётганлиги таҳлил этилади. Бугунги кунда ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, йирик битимлар бўйича қарор қабул қилиш, юридик шахс аъзолари, иштирокчилар ва муассислар ўртасидаги муносабатлар, муассислар, аъзолар, раис, директорлар кенгашининг юридик шахс билан боғлиқ манфаатларидан келиб чиқадиган муносабатлар алоҳида ўринга эга бўлмоқда. Бу ҳолат, бир томондан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва мамлакат иқтисодий юксалишидаги асосий омилларидан бир сифатида баҳоланса, иккинчи томондан, назарий ва амалий эътиборга молик янги ҳуқуқий конструкцияларни ва шартли равишда ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар, деб номланадиган турли хилдаги муносабатларни юзага келтиради.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида аъзолик тамойилига асосланган ташкилотлар коллектив тадбиркорликнинг асосий шакллари билан бири бўлиб қолганлиги, хусусий коллектив тадбиркорлик ҳамда очиқ акциядорлик жамиятлари орқали амалга ошириладиган давлат тадбиркорлиги айнан шундай шаклларда ташкил этилаётганлиги, аъзолик тамойиллари асосида диний ташкилотлар ва сиёсий партияларни ўз ичига олувчи жамоат бирлашмалари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, тижорат, нотижорат ҳамкорликларини қамраб олувчи турли хил ташкилотларнинг уюшмалари ва ассоциациялари ташкил этилганлиги таҳлил этилган.

Диссертацияда холдинглар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш йўллари таҳлил этилади, хорижий мамлакатларда айнан бир гуруҳ ташкилотлар (масалан, холдинг)ни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунчилик актлари мавжудлиги ўрганилади ва холдинг иштирокчиларининг ўзаро корпоратив муносабатларини чуқурроқ тартибга солиш мақсадида «Холдинглар

тўғрисида»ги Низомни қонун мақомига кўтариш лозим деган фикрга келинади.

Диссертантнинг фикрича, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг энг муҳим ва асосий қисми сифатида корпоратив муносабатларга алоҳида эътибор қаратилар экан, юридик шахсларни корпоратив ва нокорпоратив юридик шахсларга ажратиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини ана шу нуқтаи назардан белгилаш зарурияти юзага келади. Бунда корпоратив муносабатлар учун хос бўлган ва барча корпорациялар амал қилиши лозим бўлган умумий қоидаларни қабул қилиш, корпорация кўринишидаги турли юридик шахсларга оид асосий қоидаларни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ифодалаш муҳимдир.

ХУЛОСА

Мазкур мавзунини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги умумназарий хулосалар ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1.1. Диссертацияда фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабат тушунчаси илмий назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, қуйидагича илмий таъриф таклиф этилади: фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар деганда, юридик жиҳатдан тенг ва мулкӣ мустақил, эрк мухториятига, давлат томонидан таъминланган субъектив ташкилий ҳуқуқларга эга бўлган ва субъектив ташкилий мажбуриятларни ўз зиммасига олган иштирокчилар ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқи нормаларига асосланган шахсий ёхуд мулкӣ мазмунга эга бўлмаган амалий (механик) ва юридик ҳаракатлар орқали субъектив ҳаракатларни амалга ошириш, субъектлар ҳаракатларини йўналтириш, улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни вужудга келтириш ва мувофиқлаштиришга, эрк иродасини ва саъй-ҳаракатларини уйғунлаштиришда намоён бўладиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

1.2. Диссертацияда, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос фуқаролик ҳуқуқий муносабат эканлиги, уни тартибга солишда бир қатор белгилари мавжудлиги таҳлил этилади. Фикримизча, ташкилий муносабатлар ҳуқуқий муносабатларга ёрдамчи, бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан ажратилган ҳолда мавжуд бўлмаслиги, ташкилий-ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари номулкий тусда эканлиги, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар мулкӣ, шахсий номулкий ва корпоратив муносабатларни вужудга келтириш ва тартибга солишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар иқтисодий муомалага киришиш, мулкӣ ва шахсий-номулкий ҳуқуқларга эришишдан олдин тарафлар риоя қилиши ва амалга оширишлари зарур бўлган ўзаро келишувлар, битимлар, таомиллар бўлиб, улар мулкӣ ва шахсий-номулкий мазмунга эга бўлмайди.

1.3. Тадқиқот ишида фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни

таснифлашда қўлланиладиган мезонларни туркумлаш, уларни тизимлаштириш ва ҳуқуқий тартибга солишдаги муҳим аҳамияти илмий таҳлил қилинади. Шу сабабли уларни турларга бўлиш мезонлари фактик мезонлар (социал мазмун ва функционал аҳамият)га эмас, балки фақат ҳуқуқий белгиларга асосланиши ва бунда улар фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасидаги ижтимоий муносабатлар сифатида ташкилий муносабатларни таснифлаш асоси ҳисобланиши лозим.

1.4. Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ажратиб кўрсатилиши мумкин:

-фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ўзининг табиатига кўра мажбурият-ҳуқуқий муносабат ҳисобланади;

-мазкур ҳуқуқий муносабатлар мураккаб предметга эга бўлиб, ўзида икки турдаги объект фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича амалий (механик) ва юридик ҳаракатларни ифодалайди.

1.5. Ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар икки хил тоифадаги, яъни ички ва ташқи вазифаларни бажаришга қаратилади. Ички ташкилий-ҳуқуқий вазифалар корхоналар, ташкилотлар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг ички таркибий бўлинмаларини ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятларини, ташқи ташкилий-ҳуқуқий вазифалар эса корхоналар, ташкилотлар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг иқтисодиёт ва хўжалик фаолиятининг турли соҳаларида мулкӣ муносабатларни ўрнатишни ташкил қилишни амалга ошириш билан боғлиқ. Ички вазифалар ташкилотлар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг ҳуқуқий ҳолати (уларнинг уставлари, таъсис шартномалари) билан белгиланади, ташқи ташкилий-ҳуқуқий вазифалар фуқаролик ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади.

1.6. Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар мустақил воқелик бўлиб, моҳияти бўйича ҳуқуқий категориядир. Ноҳуқуқий ташкилий муносабатлар ҳам ўз навбатида мустақил воқелик ҳисобланади, бироқ бу муносабатлар ҳуқуқий категория ҳисобланмайди, балки ташкилий муносабатлар ҳаётӣ аниқ ҳолатдир. Ташкилий муносабатларнинг мазмуни бошқа муносабатларни вужудга келтириш ва белгилашга қаратилган муайян ташкилий ҳаракатларда ифодаланади ва бу ҳаракатлар аниқ юридик фактда намоён бўлади ҳамда бу ҳолатларни фуқаролик ҳуқуқи нормалари фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши билан боғлайди. Айнан мазкур ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар шу турдаги муносабатлар субъектларининг ташкилий ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш йўли билан ҳуқуқий тартибга солиш натижаси ҳисобланади.

1.7. Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар, ҳеч шубҳасиз, ашёвий ва анъанавӣ мажбурият ҳуқуқий муносабатларидан фарқ қилади: агар фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар номулкий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш натижаси бўлса, ашёвий ва анъанавӣ мажбурият ҳуқуқий муносабатлар ўзининг табиатига кўра фақат мулкӣ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш натижасини ифода этади. Шу сабабли, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни ашёвий ва анъанавӣ мажбурият муносабатлари билан солиштиришда фуқаролик ҳуқуқи предмети «доирасининг» турли соҳалари, айнан номулкий

муносабатлар соҳаси ва мулкӣ муносабатлар соҳаси тилга олинади. Мазкур ҳолат ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларнинг ашёвий ҳуқуқӣ муносабатлар ва асосан, анъанавий мажбурият ҳуқуқӣ муносабатлар билан узвий алоқадорлигига таъсир кўрсатмайди.

1.8. Ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатлар анъанавий фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлар (мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатлар) каби тарафлар ўртасидаги иш бажариш, хизмат кўрсатиш, товарни топшириш ёки пулни тўлаш каби ҳаракатларни ўзида ифода этмайди, аксинча, бу муносабатлар тарафларнинг келгусида ана шундай ҳаракатлар қилишлари юзасидан тегишли тўхтамга келганликларини назарда тутаяди. Бундай «назарда тутиш» мулкӣ муносабатлардан фарқли равишда турли воситалар орқали амалга оширилади. Агар мулкӣ муносабатларда тарафларнинг муайян хатти-ҳаракат юзасидан ўзаро аҳдлашуви шартномалар воситасида белгиланса, ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларда тарафларнинг (айрим ўринларда иштирокчилар, аъзолар, акциядорлар ва ҳ.к) аҳдлашуви шартномалар билан бирга қарорлар, баённомалар, ҳамкорлик битимлари каби воситалар орқали мустаҳкамланади.

1.9. Диссертацияда фуқаролик ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларни турларга бўлиш мезонлари бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари (социал ва функционал мезонлар)ни таҳлил қилиб, фуқаролик ташкилий муносабатларни таснифлашнинг ҳуқуқӣ мезони сифатида ушбу муносабатларнинг тайинланиш мақсадини белгилаш мақсадга мувофиқдир, деган хулосага келинди. Бинобарин, бунда ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларни ҳуқуқӣ алоқаларни вужудга келтирувчи ва муайян фаолиятни амалга ошириш учун ҳуқуқӣ асос бўлувчи муносабатлар (дастлабки), юридик шахслар фаолиятини амалга ошириш муносабатлари (корпоратив), мол-мулкни бошқариш билан боғлиқ муносабатлар (фуқаролик-ҳуқуқӣ фаолиятни бошқарув, лекин вакиллик эмас) ва шу каби бошқа муносабатларга бўлиш мумкин.

1.10. Фуқаролик ҳуқуқӣ муносабатларни тартибга солишнинг амалдаги механизми ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларни деярли ҳисобга олмайди. У, асосан, мулкӣ ва қисман шахсий муносабатларга қаратилган. Шу сабабли, у самарали ва кенг қамровли эмас. Фуқаролик қонунчилигининг асосан мулкӣ ва шахсий номулкӣ тусга эгаллиги эса ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларни тартибга солишдаги мавҳумликлар, бўшлиқлар ва айрим ўринларда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги турли хилдаги ёндашувларни вужудга келтирмоқда. Бу ҳолат корпоратив муносабатларга оид суд амалиётида кўпроқ учрайди. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, амалдаги фуқаролик қонунчилигига ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатларнинг хусусиятларини ҳисобга оладиган алоҳида қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

1.11. Юридик шахслар ўртасида ва корпорацияга аъзолик асосида унинг қатнашчилари билан вужудга келган корпоратив муносабатлар фуқаролик муомаласида мустақил субъектлар ўртасидаги алоҳида ва юридик тенг бўлган мулкӣ муносабатлардир. Бу муносабатлар корпорациянинг таъсис ҳужжатлари ва фуқаролик ҳуқуқи нормалари томонидан тартибга солиниб, қатнашчиларнинг корпорациядаги аъзолик даври мобайнида мавжуд бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, корпоратив муносабатлар мустақил таркибий қисм сифатида фуқаролик ҳуқуқининг предмети таркибига киради.

1.12. Тадқиқот ишида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома сифатида ташкилий шартнома ва унинг айрим турлари илмий назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, қуйидагича илмий таъриф таклиф этилади: ташкилий шартномалар деганда икки ёки ундан ортиқ тарафлар ўртасида ўзаро бир-бири билан узвий боғланган, келажакда аниқ мулкый мажбуриятлар келиб чиқишини таъминлаш ва тартибга солишга йўналтирилган жараёни белгиловчи ҳамда маълум фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган ва уларни ижро этишнинг умумий шартларини белгилаб берувчи, тарафларнинг сайъ-ҳаракатларини йўналтириш уларнинг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш функцияларига қаратилган тадбирлар тўғрисидаги келишувга айтилади.

1.13. Диссертацияда фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабат сифатида шартнома тузиш усули бўлган ким ошди савдосида шартнома тузиш тадқиқ қилиниб, ким ошди савдоларининг асосий мақсади, моддий неъматларни реализация қилиш механизмининг тизими эмас, балки моддий неъматлар билан боғлиқ шартномаларни тузиш бўйича масалаларни ташкилий муносабатлар орқали ҳал қилиш ҳисобланади, деган фикрга келинади.

1.14. Юк ташишни ташкил этиш шартномалари асосида мажбурият ҳуқуқий муносабатлари эмас, балки фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Чунки ташишни ташкил этиш шартномаларининг табиати унинг номланиши (ташкилий масалалар тўғрисидаги шартнома) ва матннинг маъносидан (бу шартнома юк ташиш ва даврий юк ташишни ташкилотга жўнатишни назарда тутати) келиб чиқади. Албатта, мазкур шартноманинг ташкилий моҳияти нафақат унинг номланиши ва маъносидан англашилади.

1.15. Диссертацияда фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг юридик шахсларни қайта ташкил этиш жараёнидаги моҳияти очиб берилади. Юридик шахсларни қайта ташкил этиш бир вақтда иккита муҳим ташкилий-ҳуқуқий муносабатни ифодалайди. Биринчидан, қайта ташкил этиш бир юридик шахснинг субъектлик мақоми ўзгариши, унинг таркибий тузилиши, баланси ва таъсис ҳужжатларининг ўзгариши каби ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирса, иккинчидан, қайта ташкил этиш тўла (универсал) ёки қисман (сингуляр) ҳуқуқий ворислик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақсимоти каби ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни ўзида ифодалайди.

1.16. Ажратиб чиқариш шаклида юридик шахсларни қайта ташкил этишдаги ўзига хос бўлган фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабат бўлиб, бекор бўлиш фактининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Агар юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг бошқа шаклларида бир ёки бир неча юридик шахснинг ҳуқуқ субъекти сифатида бекор бўлиши содир этилса, ажратиб чиқаришда бу ҳолат кузатилмайди. Бундан ташқари, ажратиб чиқаришда топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансини тузиш жараёнида янги тузилаётган юридик шахсга ўтиши лозим бўлган мол-мулк ҳамда ҳуқуқ ва

мажбуриятлар масаласини ҳал этиш ҳам икки ёки ундан ортиқ юридик шахслар органларининг ўзаро келишуви билан эмас, балки ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган юридик шахс органининг қарори асосида амалга оширилади.

1.17. Диссертацияда давлат тасарруфидан чиқариш юридик шахс ташкилий-ҳуқуқий тузилишини ўзгартириш, деб ҳисобланиши ҳақидаги фикрлар танқидий таҳлил қилиниб, юридик шахс фаолиятида мулк шаклининг ўзгариши, яъни оммавий мулкдан хусусий мулкка айланиши бу юридик шахсларни ўзгартириш, яъни қайта тузиш ҳисобланмайди, деган хулосага келинади. Корхона, ташкилот ва муассасанинг ҳуқуқ субъекти сифатида эмас, объекти сифатидаги мақомининг ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Бунда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектга нисбатан эмас, объектга нисбатан қаратилади. Зеро, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида корхонанинг ҳуқуқий мақоми фақатгина ФК ва қонунларда белгиланган тартибда қайта ташкил этилганда ўзгариши мумкин. Давлат тасарруфидан чиқариш эса корхонанинг ҳуқуқ объекти сифатидаги мақомининг ўзгариши, давлат мулкидан нодавлат мол-мулкка ўтказилиши сифатида баҳоланиши мумкин.

1.18. Диссертацияда юридик шахсларни мажбурий қайта ташкил этиш фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик ҳисобланиши ҳақидаги фикрлар таҳлил қилинади. Юридик шахсларни мажбурий тарзда бўлиш орқали қайта ташкил этиш монополияга қарши ҳолат ҳисобланса-да, буни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида белгилаш тўғри бўлмайди. Чунки фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси ҳар доим мулкий санкция кўринишида бўлади ва ваколатли давлат органига эмас, зарар кўрган шахсга қопланади. Мажбурий бўлиш эса, янги ҳуқуқ субъектини вужудга келтиришга қаратилган муносабатлардан иборат бўлади ҳамда бўлиш асоси ҳисобланган эрк-ирода кимга тегишли бўлиши бу ўринда аҳамиятли ҳисобланмайди.

II. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган тақлиф ва тавсиялар:

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 2-моддаси 1-бандини қуйидаги мазмунда белгилаш мақсадга мувофиқдир: «Фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомиласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек, мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни ҳамда юридик жиҳатдан тенг мулкий мустақил тарафлар ўртасидаги ташкилий муносабатларни тартибга солади».

2.2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига 58¹-модда сифатида «корпоратив шартнома» номли моддани киритиш ва уни қуйидаги мазмунда белгилаш мақсадга мувофиқ:

58¹-модда «Корпоратив шартнома»

Хўжалик жамияти иштирокчилари ёки уларнинг айримлари ўзларининг корпоратив ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида корпоратив шартнома (масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти иштирокчиларининг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида шартнома) тузиш ҳуқуқига эгалар ва ушбу шартномага мувофиқ, улар ўз ҳуқуқларини муайян тарзда амалга ошириш ёки амалга оширишдан тийилиш (амалга оширишни рад этиш), жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида муайян тарзда овоз бериш, жамиятни бошқариш бўйича бошқа ҳаракатларни келишиб амалга ошириш, устав капиталидаги улушлар (акциялар)ни муайян баҳо бўйича ёки муайян ҳолатларда қўлга киритиш ёки бегоналаштириш ёхуд муайян вазият юз бергунига қадар улуш (акция)ни бегоналаштиришдан тийилиб туриш мажбуриятини оладилар.

Корпоратив шартнома ўз иштирокчиларини жамият органларининг кўрсатмасига мувофиқ овоз беришга, жамият органларининг тузилиши ва уларнинг ваколатларини белгилашга мажбурлаши мумкин эмас.

2.3. Бугунги кунда амалдаги норматив-ҳуқуқий база ўзига хос мураккаб ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимини ўз ичига оладиган юридик шахслар ва якка тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид нормаларни турли қонун ҳужжатларида ифодалаши ва уларни бир тизимга солинмаганлиги билан характерлайди. Бунда юридик шахслар ва якка тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ташкилий жараёнларни аниқ ҳуқуқий механизми шаклланмаганлиги, бозор иқтисодиётини либераллаштириш жараёнида тадбиркорлар ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларда турли тушунмовчиликларни вужудга келтирмоқда. Қонун ҳужжатларидаги бундай бўшлиқларни тўлдириш, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш Ўзбекистон Республикасининг “Юридик шахслар ва якка тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги махсус қонуни қабул қилиниши билан ҳал этилиши мумкин.

2.4. Ўзбекистон Республикаси «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш» тўғрисидаги Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим. Қонун лойиҳасида давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ аниқ механизмларни белгилаш, ушбу жараёнларни чуқур ва ҳар томонлама тартибга солувчи нормаларни киритиш, давлат тасарруфидан чиқаришда давлат корхоналарининг мулк объекти сифатидаги мақомини аниқ мустақамлайдиган қоидаларни ўрнатиш, давлат тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ жараёнларни бузилишига нисбатан қатъий юридик жавобгарлик чораларини белгилашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

2.5. Ҳозирги кунда юридик шахсларни тугатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир тизимга солинмаган ва уларни амалиётга тадбиқ этишнинг изчил механизми ишлаб чиқилмаган. Бу соҳадаги ҳуқуқий нормалар қонун ҳужжатларида тарқоқ бўлиб, уларни қўллаш амалиётда турли хил қийинчиликларни вужудга келтириши мумкин.

Фикримизча, юридик шахсларни фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи манбаларни такомиллаштириш мақсадида миллий ва хорижий қонун ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш, мослаштириш, юридик шахслар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда вақтинчалик норматив ҳужжатлар ўрнига «муқим» норматив ҳужжатлар қабул қилиш, юридик шахслар ҳуқуқий муносабати иштирокчилари ҳуқуқларини кенгайтириш ва уларнинг ҳуқуқлари кафолатини яратиш соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Юридик шахсларни тугатиш тартиби тўғрисида»ги махсус қонуни ёки «Тадбиркорлик кодекси» қабул қилиниши ва уларда юридик шахсларни тугатиш таомиллари аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

2.6. Ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг энг муҳим ва асосий қисми сифатида корпоратив муносабатларга алоҳида эътибор қаратилар экан, юридик шахсларни корпоратив ва нокорпоратив юридик шахсларга ажратиш ва уларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини ана шу нуқтаи назардан ҳам белгилаш зарурияти юзага келади. Бунда корпоратив муносабатлар учун хос бўлган ва барча корпорациялар амал қилиши лозим бўлган умумий қоидаларни қабул қилиш, корпорация кўринишидаги турли юридик шахсларга оид алоҳида қонунлар бўйсундирилиши лозим бўлган асосий қоидаларни ФКда ифодалаш муҳимдир. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида алоҳида «Корпорациялар» номли боб киритишни тақозо этадики, бу ҳолат ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш механизмини аниқлаштириш билан бирга унинг изчиллиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2.7. Ҳозирги кунда жамиятда ижтимоий муносабатларнинг кундан-кунга ривожланиб бориши қонунчиликда инобатга олинмаган янги ва янги ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келтирмоқда. Бу ҳолат эса фуқаролик ҳуқуқи фани томонидан ташкилий шартномаларни ҳар томонлама илмий таҳлил қилиш ва уларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Амалдаги ФКда ташкилий шартномаларнинг ҳуқуқий асослари ниҳоятда заиф эканлигини эътироф этмоқ лозим. Фуқаролик кодексида, ташкилий шартномаларга тегишли бир неча нормалар мавжуд ҳолос. Бу эса амалиётда ташкилий шартномаларни ниҳоятда умумий ва юзаки тузилишига олиб келмоқда. Амалдаги фуқаролик кодексида ташкилий шартномаларга, энг камида, махсус параграф бағишланган бўлиши лозим. Ушбу параграфда ташкилий шартномалар тушунчаси, ташкилий шартномаларнинг шакли, тузиш тартиби, ташкилий шартномаларнинг турлари, ташкилий шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари, ташкилий шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш асослари белгилаб қўйилиши лозим.

2.8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 361-моддаси 4-қисми қуйидаги мазмунда белгиланиши мақсадга мувофиқдир: «Дастлабки шартномада тарафлар асосий шартномани тузиш муддатини белгилаб олишлари мумкин». Норманинг бундай ифодаланиши дастлабки шартнома

муддатини аниқлаш диспозитив тусга эғалигидан келиб чиқади. Амалдаги нормада эса, муддатни белгилаш қатъийлик тусига эғалигини кўрсатгандай, бинобарин «кўрсатилади» феъли буйруқ оҳангида бўлиб, муддатни кўрсатмаслик (тўғрироғи белгиламаслик) қонундан четга чиқиш сифатида баҳоланишини англаатади.

2.9. Қўшиб юбориш ҳақидаги шартнома аралаш тусга эга ва ҳуқуқий муносабатнинг ўзига хос шаклини ифода этади. Шу сабабли, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган мазкур шартномага нисбатан ФКнинг 354-моддаси 4-қисми қоидалари қўлланилади. Яъни, аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига, агар тарафларнинг келишувидан ёки аралаш шартноманинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, элементлари аралаш шартномада бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

2.10. Юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг қайта тузиш ёки ўзгартириш деб номланадиган шаклини ФКдаги каби “ўзгартириш” деб номлаш эмас, аксинча, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва “Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунлардаги каби «қайта тузиш» деб номлаш ўринли бўлади. Чунки «қайта тузиш» атамаси юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг ушбу шакли моҳиятини тўлиқ ифода этади ва мазкур ҳуқуқий конструкция мазмунига ҳам мос келади. Зеро, бунда аввалги юридик шахс расман бекор бўлади ва унинг ўрнига қайта тузилган янги юридик шахс белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, унинг моҳияти ўзгармайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 49-моддаси 1-қисмидаги «ўзгартириш» атамасини «қайта тузиш» атамаси билан алмаштириш лозим.

2.11. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 62-моддаси 6-қисми сифатида қуйидаги қоидани киритиш лозим:

-акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга ва давлат вакилига хабар бериш ва билдиришнома юборишнинг белгиланган тартибига риоя қилинмаганлиги сабабли, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок эта олмаган акциядорлар ва давлат вакилининг талаби билан умумий йиғилиш ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

2.12. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 81-моддаси 7-қисми сифатида эса, қуйидаги нормани ўрнатиш зарур:

-акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга ва давлат вакилига хабар бериш ва билдиришнома юборишнинг белгиланган тартибини бузган жамият кузатув кенгашининг аъзолари, яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ва (ёки) коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзолари, шунингдек, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

2.13. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида бугунги кунда юзага келаётган низоларни ҳал қилишда тарафлар ўртасидаги муносабатлар ташкилий-ҳуқуқий муносабат эканлигига алоҳида эътибор қаратилиши, уларни ҳал этишда ушбу муносабатларнинг хусусиятлари ҳисобга олиниш ҳолати учрамайди. Кўпинча, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларда умумий йиғилиш ваколатига кирадиган масалаларни умумий йиғилиш чақирмасдан ҳал этиш ёки умумий йиғилиш ҳақида хабар қилмаслик, акциядорни реестрга киритмаслик, кун тартибини алмаштириш ёхуд баённомани сохталаштириш каби ҳолатлар эътибордан четда қолиб кетмоқда. Акциядорлар ва акциядорлик жамияти бошқарув органлари ўртасидаги мулкий тусда бўлмаган, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда ҳуқуқни қўлловчилар қийинчиликларга дуч келишмоқда. Айниқса, судлар томонидан корпоратив муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга оид умумий амалиётнинг шаклланмаганлиги қонунларни қўллашда турли хилдаги ёндашувларга сабаб бўлмоқдаки, бу ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг корпоратив низоларни ҳал қилиш юзасидан судларга муайян тушунтиришлар ва изоҳлар беришини талаб қилади.

2.14. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига 45¹-модда сифатида «Юридик шахснинг иштирокчилари, муассислари, мулкдорлари томонидан ёки юридик шахснинг бошқариш органлари томонидан юридик шахс фаолияти бўйича қарорлар қабул қилиш усуллари» деган нормани киритиш лозим.

2.15. Ташкилий муносабатлар баъзи ҳолларда ўзига хос мажбурият муносабатлари кўринишида намоён бўлиши мумкин. Масалан, таъсис шартномаси асосида тижорат юридик шахсни тузган иштирокчилар умумий йиғилишда қатнашиб, қарорлар қабул қилиши ўз эркини изҳор этиши шарт. Ушбу мажбурият иккинчи томондан ташкилий ҳаракатлар содир этиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234-моддаси 1-қисмига «пул тўлаш» деган сўздан кейин «муайян ҳаракатларни содир этиш» деган қўшимча киритиш ва кейин матн бўйича давом эттириш лозим.

2.16. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасида ҳимоя усуллари тизимида «муайян ҳаракатни содир этишга мажбурлаш» ва «муайян ҳаракатни содир этганлик оқибатларини қўллаш» усуллари назарда тутиш лозим. Агарда субъект фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий ҳолатни ихтиёрий амалга оширмаса ёки амалга оширишдан бўйин товлаб қочиб юрса юқоридаги чоралар суд орқали қўлланиши лозим.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
(PhD). 37/27.02.2020. YU/ 107.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ВЫСШЕЙ ШКОЛЕ СУДЕЙ ПРИ ВЫСШЕМ
СУДЕЙСКОМ СОВЕТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ТОПИЛДИЕВ ВОХИДЖОН РАХИМЖОНОВИЧ

**ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ
ОРГАНИЗАЦИОННЫХ ОТНОШЕНИЙ**

**12.00.03 – Гражданское право. Предпринимательское право.
Семейное право. Международное частное право**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc)
ПО ЮРИДИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора юридических наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № В2017.1.DSc/Yu12



Докторская диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана. Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском) на Портале Информационной образовательной сети «Ziyounet» (www.ziyounet.uz)


Научный консультант:	Окюлов Омонбой доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Имомов Нурилла Файзуллаевич доктор юридических наук, профессор Камалов Ойбек Ахматович доктор юридических наук, профессор Бобокулов Сотволди Бобаназарович доктор юридических наук, профессор
Ведущая организация:	Таможенный институт Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан


Защита диссертации состоится «28» сентября 2021 года в 10:00 часов на заседании разового научного совета на базе Научного совета (PhD).37/27.02.2020.Yu/107.01 по присуждению ученых степеней при Высшей школы судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан (Адрес: 100097, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Чупонота, дом 6. Тел.: (99855) 501-01-89); факс: (99855) 501-01-89), e-mail: tm_devon@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано за №15). (Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-53-21.

Автореферат диссертации разослан «14» сентября 2021 года.
(Реестр № 1 от «14» сентября 2021 года).


 **Насриев И.И.**
Председатель Разового научного совета
по присуждению ученых степеней,
юридических наук, профессор

 **Рахмонкулова Н.Х.**
Ученый секретарь Разового совета по
присуждению ученых степеней, доктор
юридических наук, доцент

 **Самарходжаев Б.Б.**
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор юридических наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В глобальном масштабе взаимодействие различных субъектов социально-экономической сферы является решающим фактором развития. В развитых странах исторически сложился и оправдан на практике организационно-правовой механизм такого сотрудничества. Здесь наглядно представлены методы и различные формы управления, организация деятельности общественных фондов коммерческого и некоммерческого партнерства компаний и корпораций. Для стран, которые в своем историческом развитии были оторваны от рыночной системы и испытали административную систему, остается актуальной задачей создание правовой основы для эффективного использования системы организационно-правовых отношений, внедрение механизмов их совмещения с имущественными и личными отношениями при формировании целостной рыночной системы и сегментов гражданского общества. Это указывает на то, что в Европейском Союзе, Соединенных Штатах, Юго-Восточной Азии существует острая необходимость в улучшении правовой базы для представительства, корпоративных отношений, влияния встречающихся решений на гражданские права и обязанности.

На современном этапе в процессе широкого спектра гармонизации частных отношений в мире ведутся научные исследования в области внесения организационных отношений в предмет гражданского права и создания методов регулирования этих отношений. В связи с этим необходимо найти научное, теоретическое и практическое решение совершенствования механизма регулирования, в частности, согласование нормативных правовых актов, регулирующих организационные отношения, научная оценка организационных отношений как комплексного института гражданско-правового регулирования, регулирование правовых норм для создания эффективной и экономически выгодной системы организационно-корпоративных отношений для всех участников.

В условиях проводимых в Республике масштабных реформ осуществляется теоретико-методологическая и практическая проработка теоретических и практических проблем регулирования гражданско-правовых отношений. Несмотря на принимаемые масштабные меры, отсутствие четкого определения организационно-правовых отношений в гражданском праве, невнимание к взаимоотношениям сторон при применении права и разрешении споров в судебной практике приводит к их неисполнению или нарушению, в некоторых случаях возникают проблемы в процессе применения правовых норм к организационно-правовым отношениям. Для эффективной защиты прав и законных интересов участников гражданско-правовых отношений в Концепции совершенствования гражданского

законодательства Республики Узбекистан¹ определены задачи по совершенствованию процедуры коллективного разрешения споров по решениям, связанным с деятельностью юридических лиц, с правом участия любых заинтересованных лиц, устранению правовых пробелов и коллизий в гражданском праве. Реализация этих задач в определенной степени осуществляется путем установления механизма правового регулирования организационно-правовых отношений в гражданском законодательстве. С этой точки зрения разработка особенностей гражданских организационно-правовых отношений, методов и средств, механизмов их правового регулирования, которая представляет собой отдельную и наиболее крупную часть «организационно-правовых отношений» комплексного характера, определить новые направления классификации отношений в рамках предмета гражданского права, остается одной из самых актуальных проблем системы гражданско-правового регулирования организационных отношений.

Настоящее диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, определенных указанных в Гражданском кодексе Республики Узбекистан (1996 г.), Законах Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» (2014 г.), «Об обществах с ограниченной и дополнительной ответственностью» (2001 г.), «О хозяйственных товариществах» (2001 г.), Указа Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», Распоряжении №5464 от 5 апреля 2019 г. «О мерах по совершенствованию гражданского законодательства Республики Узбекистан», а также других нормативно-правовых актах, относящихся к данной теме исследования.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.² Научные исследования о гражданско-правовом регулировании организационных отношений осуществляют в мире Widener University Deaver Law School, Stanford Law School, Boston College, Washington University School of Law (США), Oxford University, Cambridge University

¹Распоряжение Президента Республики Узбекистан от 5 апреля 2019 года № Р-5464 «О мерах по совершенствованию гражданского законодательства Республики Узбекистан». (Национальная база данных законодательства, 06.04.2019 г., № 08/19/5464/2891).

² Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: <https://www.usnews.com/best...schools>, <https://www.law.stanford.edu>, <https://www.bc.edu>, <https://law.ucla.edu>, <https://www.nyu.edu>, <https://www.yale.edu>, <https://www.jhu.edu>, <https://www.harvard.edu>, <https://www.law.wustl.edu>, <https://www.ncl.ac.uk>, <https://www.uni-heidelberg.de>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.qmul.ac.uk>, <https://www.uni-frankfurt.de>, <https://www.uni-muenchen.de>, <http://www.pantheonsorbonne.fr>, <http://en.nagoya-u.ac.jp>, <https://www.msu.ru>, <https://mgimo.ru>, <https://msal.ru>, <https://spbu.ru>, <https://www.utoronto.ca>, <https://www.utwente.nl/en/>.

(Великобритания), Pantheon Sarbonne (Франция), Heidelberg University (Германия), Уральская государственная юридическая академия, Московский государственный юридический университет, Московский государственный институт международных отношений (Россия).

